

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ КЎРГАН АВЛОД БАРПО ЭТАДИ

**Б.Узоков, ЖизПИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси в.б. доцент**

Аннотация: ушбу мақолада Янги Ўзбекистонда таълим сифатига берилаётган алоҳида эътибор ҳамда ёшларни билим олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, БМТ Бош Ассамблеяси, замонавий ва жозибадор, сифатли таълим.

Abstract: this article provides information about the special attention paid to the quality of education in New Uzbekistan and the conditions created for the education of young people.

Keywords: New Uzbekistan, UN General Assembly, modern and attractive, quality education.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги даврида халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга улкан таъсир кўрсатаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар жараёни жадал амалга ошмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар учун асос бўлган Янги Ўзбекистон ғояси ва уни амалга ошириш жараёнининг илк тадрижи Президентимизнинг 2016 йилги сайловолди дастури ва 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидаёқ белгилаб берилган эди. Кенг кўламли ўзгаришлар, жорий йилда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг Мурожаатномада акс этган устувор йўналишлари ва бу борадаги долзарб вазифаларнинг барчаси, аслида, ана шу ғоянинг амалиёти ва бу билан боғлиқ тарихий янгиланиш жараёнининг мантиқий давом этаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига

айланди. Бу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва туб ўзгаришларнинг пировард мақсади юқорида қайд қилинган янгиланишлар фалсафасининг маъно-мазмуни ва устувор тамойилларига ҳамоҳанг, уйғунлиги, шубҳасиз. Айни пайтда мазкур соҳадаги умуминсоний қонуниятлардан бири шундайки, бу борада ўз азмингда қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун муттасил олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, жамият ва унинг таркибий қисмлари, мавжуд тизимларда янгиланиш томон собитқадамлик билан бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда тўхталиб, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Назаров шундай таъкидлайдилар: “Президент Мурожаатномаси жорий йилда халқимизнинг ҳозирги даврдаги Тараққиёт стратегиясида белгиланган эзгу мақсадлар ва долзарб вазифаларни амалга ошириш, яъни мураккаб ва серқирра янгиланиш жараёнининг 2023 йилга доир босқичи учун зарур бўлган муҳим омиллари, самарали йўллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган тарихий ҳужжатдир”.

Шубҳа йўқки, бутун бир жамиятнинг янгиланиши, 36 миллион халқнинг янги тараққиёт босқичига тўла-тўқис ўтишидек кенг кўламли жараённинг самарали бўлишини таъминлаш учун биринчидан, янгиланиш ғояси ва дастурини яратадиган, масъулиятни зиммасига олишдан кўрқмайдиган, шижоатли лидернинг майдонга келиши, иккинчидан, аҳолининг ислоҳотчига айланиши ва янгиланишларга дахлдорлиги юксак даражага етиши, учинчидан, халқ тафаккури янгиланиши ва давр талабларига ҳозиржавоб авлоднинг вояга етиши мазкур жараённинг энг муҳим омилларидир.

Шу маънода Жадиличлик ҳам Чоризм зулми остида эзилган халқларнинг уюшиши, бирлашиши ва озодлик учун курашиш ғояси асосида, маърифатчилик ҳаракати шаклида XIX аср охири — XX аср бошларида вужудга келиб, Жадид зиёлилар томонидан асослаб берилган миллий

мафкура ва уларнинг ғоявий мақсадлари, улар амалга оширишга уринган вазибаларни ҳал қилишга йўналтирилган инсонпарварлик ва миллий онгни уйғотиш, тарбиялашга чақирувчи дунёқараш тарзида намоён бўлганлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Жамият ҳаётида рўй бераётган турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўрганиш, миллий кадриятлар ва халқ дунёқарашини жаҳон тараққиёти талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш борасида Маҳмудхўжа Бехбудий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби маърифатпарварлар катта ютуқларга эришдилар. Миллатпарвар ва тараққийпарвар жадиждлар вазиятни теран англагани учун Туркистонни жаҳон цивилизацияси тизимидаги ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишнинг асосий йўлларида бири илм-фан ва маърифатни тараққий эттириш, деб билар эди. Улар мамлакатни қолоқлик, тарқоқлик, саводсизлик ботқоғидан фақат маърифат орқали кутқариш мумкинлигини яхши тушуниб етгани учун асосий саъй-ҳаракатларини янги усулдаги таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш, унинг мазмун ва шаклини такомиллаштиришга қаратдилар. Янги усулдаги мактабларни Туркистоннинг ўсиб келаётган иш билармон бойлари ва илғор маърифатпарвар зиёлилари қўллаб-қувватладилар. Жадиждлар янги мактаблар тизимини такомиллаштириш учун дарсликлар яратдилар, асарларида жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларни ёритдилар ва уларни бартараф этиш йўллариини изладилар ҳамда бу борада кўплаб ишларни амалга оширдилар.

Афсуски, XX асрнинг 30-йилларида бошланган сиёсий қатағонлар уларнинг ўзини ҳам, маънавий-маърифий меросини ҳам домига тортди.

Президентимиз Мурожаатномасида жадижд боболаримиз мероси, уларнинг маърифатчилиги, илгари сурган миллий ғоялари ва қарашларига алоҳида эътибор берилгани бунини янада яққол тасдиқлайди. Бугун юртимиз янгилашмоқда. Халқимиз янги жамиятни барпо этиш йўлида собитқадамлик

билан ҳаракат қилмоқда. Ватанимиз тинч ва барқарор ривожланмоқда. Ҳар биримизнинг мамлакатимиздаги янгиланишлар ва ислоҳотлар жараёнида самарали меҳнат қилишимиз учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жаҳид боболаримиз эса ниҳоятда таҳликали даврда яшади, таъқиб ва тазйиқ остида умргузаронлик қилди. Жонларини фидо қилса-да, ўз ғояларидан воз кечмадилар, эзгу мақсадлар йўлидан қайтмадилар. Улар бугунгидек замонни ва ҳозиргидек имкониятларни орзу қилган эдилар. Аммо ўша даврда бу истак бўғилди, унинг соҳиблари қатағон қилинди. Янги Туркистон орзуси амалга ошмади.

Эндиликда халқимиз тараққиётининг янги ривожланиш босқичига ўтган, имкониятлар ниҳоятда кенгайган бугунги кунда жаҳид боболаримизнинг азму қарорида қатъий туриш, эл-юрт қайғуси билан яшаш, миллий қадриятларга садоқат, эзгу ниятлар ижобат бўлиши учун кураш каби хислатлари ҳар дақиқада бизга ўрнак ва ибрат бўлмоғи лозимлиги давр талабига айланди. Шу маънода, бугунги кунда Беҳбудийнинг “Ёшларга мурожаат”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Фитратнинг “Нажот йўли”, Исҳоқхон Ибратнинг “Ислоҳи миллат” каби ўша давр жаҳидлари тафаккури ва замон руҳини акс эттирган кўплаб асарлари барчамиз учун муҳим қўлланмаларга айланиши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги воқелигимизнинг муҳим ҳақиқати ва ҳозирги давр талабини акс эттиради: “Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жаҳид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни куришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур”.

Ушбу фикрнинг аҳамияти шундаки, қадимий ва бой тарихини, ота-боболарининг Ватанга садоқати, халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона хизматларини яхши биладиган ва уларга хос фазилатларни қалбига сингдирган кишилар, айниқса, ёшлар турли бузғунчи таъсирларга берилмайди, бу борадаги масъулиятни чуқур англайдиган фаол ва омилкор шахсларга, ислоҳотларнинг онгли ижодкорларига айланадилар.

Бугун “Жамият — ислоҳотлар ижодкори” деган пурмаъно тамойилни амалга оширишда барчага ўрнатилган бўладиган ва бу йўлда жаҳон билан бемалол беллашадиган, янгиланишларнинг пировард натижалари учун толмай курашадиган янги жадидлар, ислоҳотчилар кераклиги шубҳасиз. Бундай авлод эса фақат ва фақат сифатли таълим ва миллий тарбия тизими орқали шаклланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189 (6883).
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Т.: “Ўзбекистон”, 2022.
4. Қ.Назаров. Мурожаатнома феномени, Янги Ўзбекистон газетаси, №15(804) 2023 йил 24 январь